



NAZORAT-AUDIT AUDITING COMPANY

«FARGONA ISSIQLIK ELEKTR MARKAZI» акциядорлик жамиятининг 2017 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботиغا ижобий фикр билдирилган

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«FARGONA ISSIQLIK ELEKTR MARKAZI» акциядорлик жамияти таъсисчилари ва раҳбариятига

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:

МЧЖ «NAZORAT-AUDIT»

Ўзбекистон Республикаси. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Госпитал кучаси 11/2. Телефон: 95-144-74-55, Факс: +998 71 150 23 01. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 11.12.2007 йилда № 545 рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 28.07.2008 йилда берилган «Барча хўжалқ юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви»ни ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга оширишга рухсат берувчи -серия АФ № 000067 Лицензияга эга.

Хисобрақами: 20208000604007713001 ХАТБ «DAVR-BANK» Чиланзар булими, МФО-01046, СТИР 202884570, ИФУТ69202. email: ltd_nazorat-audit@mail.ru, web: www.nazorat.uz.

Аудиторлик ташкилоти директори: Назаров Баходир Нематович САР, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йил 26 апрел куни берилган № 05207-сонли «Аудитор малака сертификати»

Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот:

«FARGONA ISSIQLIK ELEKTR MARKAZI» акциядорлик жамияти

Ўзбекистон Республикаси, Фарғона шаҳри, Саноат кўчаси, 40 уй. Почта индекси: 150106. Тел.(8373) 242-72-81, 242-99-03

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома: Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар Хокимлиги хузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 08.07.2015 йилда №793-А сонли тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган ва гувоҳнома олган.

Хисоб рақами: 20 210 000 900 215 451 001, АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» Фарғона вилоят. ф-ли, МФО: 00494, КТУТ: 1730401, ОКЭД: 35111, МШ: 144, ТХШ: 151,

ИНН: 200202146

Жамият раҳбари: Абдурахманов Фарход Мамурович

Асосий фаолият тури: иссиқлик энергияси ишлаб чиқиш.

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «NAZORAT-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг аудитори Умаров Рахимжон Алиевич, САР, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан 30.07.2016 йилда берилган № 4976 сонли «Аудитор малака сертификати», аудиторлик ташкилоти билан «FARGONA ISSIQLIK ELEKTR MARKAZI» акциядорлик жамияти ўртасида 08.01.2018 йилда тузилган 40/09-18-сонли шартномага асосан

«FARGONA ISSIQLIK ELEKTR MARKAZI» акциядорлик жамиятининг “Корхона баланси” – форма № 1, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” – форма № 2-шакл, “Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот” – форма № 4-шакл, “Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот” – форма № 5-шаклларида иборат молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «FARGONA ISSIQLIK ELEKTR MARKAZI» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «FARGONA ISSIQLIK ELEKTR MARKAZI» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботибарча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ шаклидаги «NAZORAT-AUDIT»
Аудиторлик ташкилоти директори:

Аудитор:



(Handwritten signatures in blue ink)

Б.Н.Назаров.

Р.А.Умаров.

Хулоса тузилган сана: «28» апрел 2018 йил